

ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙВА ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ, МАҚСАДИ ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ

Ахунов Ёдгор Рустамович

Ғазначилик хизмати қўмитаси бош мутахассиси

Аннотация: “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган тадбирларни молиялаштиришга ажратиладиган бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштироқи” умумий қилиб айтганда “Ташаббусли бюджетлаштириш” жараёнлари мавзуси бўйича таҳлиллар олиб борилади. Жаҳон мамлакатларида фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Калит сўзлар: бюджет, давлат бюджети, бюджет харажатлари, Ташаббусли бюджет, Очиқ бюджет, ахборот портали, жамоатчилик фикри, партисипатор бюджетлаштириш, овоз бериш, таклиф киритиш ва модерация жараёнлари.

Аннотация: «Участие граждан в распределении бюджетных средств, направляемых на финансирование деятельности, формируемая на основе общественного мнения» в целом проводится анализ по теме процессов «Инициативного бюджетирования». Участие граждан в бюджетном процессе в странах мира служит обеспечению прозрачности и открытости, усилению общественного контроля, тем самым повышая эффективность работы государственных органов и предотвращая коррупцию.

Ключевые слова: бюджет, государственный бюджет, расходы бюджета, Инициативный бюджет, Открытый бюджет, информационный портал, общественное мнение, партисипаторное бюджетирование, процессы голосования, торгов и модерации.

Annotation: In this dissertation work, analyzes are carried out on the topic of "Initiative budgeting" processes, "Participation of citizens in the distribution of budget funds allocated for the financing of activities formed on the basis of public opinion." Citizens' participation in the budget process in the countries of the world serves to ensure transparency and openness, to strengthen public control, thereby increasing the efficiency of state bodies and preventing corruption.

Keywords: budget, state budget, budget expenditures, initiative budget, open budget, information portal, public opinion, participatory budgeting, voting, proposal and moderation processes.

Сўнги йилларда Давлат бюджети маълумотларининг очиқлиги, фуқароларнинг бюджет жараёнидаги иштирокини ошириш ҳамда бюджет жараёни устидан парламент назоратини кучайтиришга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, халқаро стандартларга мувофиқ тайёрланган қонун билан тасдиқлаш, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, давлат қарзининг ҳолати, солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотларни веб-сайтларда жойлаштириш механизми ишлаб чиқилганлигини шулар жумласига киритиш мумкин.

Шунингдек, Молия вазирлиги томонидан “Фуқаролар учун бюджет” ахборот нашри жамоатчилик муҳокамаси учун эълон қилина бошланди.

Давлат бюджетининг ишлаб чиқиш ҳамда ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнларига одамларни кенг жалб қилиш ва ҳудудлардаги энг долзарб муаммоларни бартараф этишда жамоатчилик иштирокини янада ошириш мақсадида барча туман ва шаҳарлар ҳокимликлари қошида Фуқаролар ташаббуси жамғармалари ташкил этилиб, ушбу жамғармаларга барча туман ва шаҳарлар бюджетларининг 5 фоизи миқдорида маблағлар жамланиб, фуқароларнинг ташаббуси асосида танлаб олинган лойиҳаларни молиялаштириш учун йўналтирилиши белгиланди.

Охириги йилларда юртимизда бюджет маълумотларининг шаффофлигини ва очиқлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланишида Олий-мажлис палаталари ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича бир қатор тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятлар ва туманларда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммо ва камчиликларни ҳал этилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда, шу билан бир вақтда инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб улгурган ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, табиий газ ҳамда таълим муассасалари биноларини таъмирлаш каби муаммоларни ҳал этиш бугунги куннинг энг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда.

Мамлакатимизда эришилган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлиллари асосида кейинги йилларда “Инсон қадрини учун” тамойиллари асосида халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш, фуқаролар ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларни амалга ошириш энг пировард мақсадларимиздан бири ҳисобланади.

Юртимизда сўнги йилларда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва фуқароларни қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммо ва

камчиликларни ҳал этилиши бўйича бир қатор ишлар амалга оширилиб келинмоқда, жойларда инфратузилмаларни яхшилаш ҳамда тизимли муаммога айланиб улгурган йўл таъмирлаш, ичимлик суви таъминоти, табиий газ ҳамда таълим муассасалари биноларини таъмирлаш каби муаммоларни ҳал этиш энг устувор вазифалармиз бири бўлиб келмоқда.

Юқорида қайд этилган бир қатор муаммоларни бартараф этиш бўйича давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, маҳаллий бюджетлар ва давлат дастурлари доирасида ажратилган маблағлар доирасида ҳам ушбу муаммолар тизимли ҳал этилиб келинмоқда.

Ушбу жараёнларга фуқароларни кенг жалб қилиш ва бюджет маблағларини ишлатилишида одамларнинг ўз фуқаролик мажбуриятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўзларини қийнаб келаётган ижтимоий муаммоларни ҳал этилишида иштирок этиш механизмими ташкил этилди.

Фуқароларнинг бюджет жараёнида иштирок этиши шаффофлик ва очиқликни таъминлашга, жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам ҳар бир туман бюджетининг камида 5 фоизини “Фуқаролар бюджети” дастури доирасида аҳолининг таклифлари асосида энг долзарб муаммоларни ечишга сарфлашни ташкил қилиш белгиланган.

Фуқароларни бюджет саводхонлигини ошириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб “Фуқаролар учун бюджет” бюллетени нашр этиб келинмоқда. Давлат бюджети ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва харажатлари ижроси каби маълумотларни ўзида мужассамлаган “Очиқ бюджет” ахборот портали ишга туширилди.

Ташаббусли бюджетлаштириш амалиёти - бу аҳоли томонидан илгари сурилган таклифларга асосан, уларни ташаббусларини инобатга олган ҳолда бюджетнинг бир қисмини тақсимлаш ҳамда ушбу тақсимланган маблағларни ташаббускорлар томонидан илгари сурилган тегишли таклифларга йўналтириш амалиётидир.

Бугунги кунга қадар ташаббусли бюджет жараёнини тартибга солиш бўйича бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилинди. Жумлдан, бюджет жараёнига фуқароларни кенг жалб қилиш ҳамда жойларда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни айнан фуқаролар ташаббуслари асосида ечимини топиш имкониятини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 13 апрелдаги ПҚ-5072-сон “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Тасдиқланган ҳужжатга кўра, фуқароларни бюджет жараёнига янада жалб қилиш мақсадида, жорий йилдан бошлаб ҳар бир ҳудудда биттадан туман ёки

шаҳарда тегишли туман (шаҳар)лар бюджетлари тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилди. 2022 йилдан бошлаб эса ушбу тартиб барча туман ва шаҳарларга тадбиқ этилиши белгиланди.

Қарорда белгиланган топшириқлар ижроси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги

ҚҚ-213-IV-сон “Маҳаллий бюджет маблағлари сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарор билан “Туман (шаҳар) бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтириш тартиби тўғрисида Намунавий Низом” тасдиқланди.

Бугунги кунда мазкур Низом Ташаббусли бюджет жараёнини тартибга солувчи асосий норматив-ҳужжат ҳисобланади. Ушбу ҳужжатга бугунги кунга қадар фуқаролар ва мустақил изланувчиларнинг фикр мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда ҳаммаси бўлиб тўрт маротаба тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Бунда, мавсумдан-мавсумга жараёنни такомиллаштириб бориш, кузатилаётган айрим камчиликларни бартараф этиш назарда тутилган.

Ҳар бир ривожланган мамлакатда очиқлик асносида демократик сиёсат юритилади, бунда давлат ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик кўпгина ижтимоий ва иқтисодий муаммоларга ечим бўлади. Фуқаролар ўз фуқаролик позициясидан тўлақонли фойдалана олиши бу мамлакатда олиб борилаётган давлат сиёсатида фуқаролик жамиятини тутган ўрнини белгилайди.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларини янада ривожлантириш ҳамда фуқароларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиққан ҳолда ушбу тизимни замонавий технологиялар билан узвий боғлаш ҳозирда олдимизда турган энг устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Маҳаллий бюджет харажатларини молиялаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш ҳудудий ижроия ва вакиллик органлари олдида турган энг долзарб масалалардан бири. Аслида, ушбу масалалар билан бюджет жараёнида иштирок этувчи турли ваколатли органлар шуғулланадилар. Аммо, маҳаллий ижроия ва вакиллик органлари эътиборидан кўпинча четда қолиб кетадиган муаммолар ҳам мавжуд. Буларга, ҳудудий йўлларни тартибга келтириш, тоза ичимлик сувини ташиб истеъмол қилиш муаммоси ёки электр таъминотидаги узилиш каби масалалардан торттиб, ёритилмаган пиёдалар йўлаги ёки турар жой биноларида коммунал хизмат кўрсатишга алоқадор муаммолардан иборат бўлиши мумкин. Шу каби ҳолатларда, ташаббусли бюджет лойиҳаси муаммони умумий муҳокамага олиб чиқиш ва уни ҳал қилишнинг мақбул вариантини топишга имкон беради.

Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кенг жамоатчилик манфаатига хизмат қилувчи бирор қарорни қабул қилишда ёки лойиҳани амалга оширишда

фуқароларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини инобатга олинмаслиги уларнинг норозилигига, айрим ҳолларда маблағлардан самарасиз фойдаланишга олиб келиши мумкин.

Бугун зўр ғурур ва қониқиш билан айта оламизки, қисқа тарихий давр ичида мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлат, фуқаролик жамияти асослари яратилди, миллий истиқлол мафкураси шакллана бошлади. Энг муҳими, фуқароларимизнинг онги ва дунёқараши ўзгариб бормоқда. Ҳамюртларимиз мустабид тузум асоратларидан воз кечиб, ҳаётдаги ўз ўринларига янгича назар билан қарамоқдалар. Фуқароларимизнинг фаоллиги, турмушимизни қайта қуриш ва янгилаш зарурлигига, уларнинг ўз юрти истиқболига бўлган ишончи ортиб бормоқда.

“Ташаббусли бюджет” жараёнларида фуқароларни ҳудудий жиҳатдан имкониятларини чеклаш ва овоз бериш тизимига доир турли йилдаги эътирозлар, таклифлар ва шу ўринда танқидлар ҳам билдирилмоқда, албатта танқидлар бу келгуси муваффақиятлар ва яхши натижалар учун пойдевор вазифасини бажаради.

Уч йил аввалга назар соладиган бўлсак Ташаббусли бюджет жараёнларининг дастлабки моделлари ишлаб чиқилди бунга кўра “Очиқ бюджет” ахборот порталидан рўйхатдан ўтиш, таклиф киритиш ҳамда овоз бериш учун “One ID” тизими орқали рўйхатдан ўтган ҳолда амалга оширилар эди.

Ушбу тизим мукамал ишланган бўлиб фуқароларни шахсига аниқлик киритишда муаммо юзага келтирмайди ҳамда сунъий равишда овоз тўплаш ҳолатларининг олдини олиш учун хизмат қилиши учун мўлжалланган, лекин тизимдан фойдаланиш учун фуқаролар интернет тармоғига уланган ҳамда ундан фойдаланиш билим ва кўникмасига эга бўлиши лозим, мазкур тизим “Ташаббусли бюджет” жараёнларида фаол иштирок этаётган фуқароларнинг аксарият қатлами учун ноқулайлик туғдирганини ҳамда бу тизимдан фойдаланиш бир қатор мураккабликларга эга бўлганлиги сабабли, кенг жамоатчиликни қамраб олиш ва ушбу тизимдан фойдаланувчиларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олган ҳолда 2021 йилдан бошлаб янги моделга ўтган ҳолда “One ID” тизими бекор қилиниб СМС хизмати орқали рўйхатдан ўтиш ва овоз бериш тизими жорий этилди, ва шу орқали жараёнларни соддалаштиришга эришилди, натижада ахборот порталига фуқароларнинг ташриф буюриши ва таклиф киритилган ҳолда ташаббускорга айланиш кўрсаткичлари кескин ошишига сабаб бўлди.

Юртимизда “Ташаббусли бюджет” жараёнлари 2019 йилда ишга туширилган бўлиб “Очиқ бюджет” ахборот портали ҳам ҳозирга келиб уч маротаба янгиланган, дастлабки механизм (тартиб) билан билан ҳозирги амалдаги тартиб ўртасида жуда катта фарқ мавжуд.

Жумладан:

“Ташаббусли бюджет” жараёнлари бир йилда тўрт маротаба яъни ҳар чорак якунларида ўтказилар эди ҳозирда эса бир йилда икки маротаба;

Молиялаштириш манбаси этиб фақатгина туман(шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг энг кам миқдорини 10 фоизи бўлган ҳозирда эса 10 фоиздан 30 фоизга оширилди ҳамда 2021 йилдан бошлаб ҳар бир ҳудудда биттадан туман ёки шаҳарда тегишли туман (шаҳар)лар бюджетлари тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида шаклланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш бўйича янги тартиб жорий этилди. 2022 йилдан бошлаб эса ушбу тартиб барча туман ва шаҳарларга тўлиқ татбиқ этилди;

Аввал бир мақсадга йўналтирилган таклифлар сони қанчалик кўп бўлишидан келиб чиқиб тегишли таклиф ғолиб деб топилар эди ҳозирда ушбу жараёнлар уч босқичда амалга оширилиб келинмоқда бунда

1-босқич фуқаролардан таклифларни қабул қилиш, 2-босқич туман

ва шаҳар ишчи комиссиялари томонидан таклифларни танлаб олиш (модерация) жараёни, 3-босқич эса билдирилган таклифларга овоз бериш жараёни ўтказилди.

Ҳозирги кунда ушбу жараёнларни янада такомиллаштириш бўйича бир қатор янги инновацион ғоялар юзасидан тегиш ишлар амалга оширилиб келинмоқда, мисол учун “Ташаббусли бюджет” жараёнларига рақамли технологияларни жалб қилган ҳолда овоз бериш тизимини бир мунча такомиллаштириш яъни фуқаролар ўзлари истаган таклиф

ID-рақамини қисқа рақамларга смс орқали жўнатиш орқали овоз бериши мумкин бу тизми “смс промо код” хизмати деб аталади.

Ташаббусли бюджетнинг яна бир ўзига хос хусусияти – у тўғридан-тўғри демократия механизмига асосланади, бунда фуқаролар бевосита умумий ва маҳаллий аҳамиятдаги лойиҳалар ташаббусини илгари суради, овоз беради, пировардида, шу лойиҳани молиялаштирилишига эришилади. Бюджет маблағларини йўналишини белгилашда оддий фуқароларнинг ҳам бюджет жараёнида доимий ва бевосита иштирок этишига имконият берилади.

ҚЎЛЛАНИЛГАН МАНБААЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони
2. Молиячи Маълумотномаси Блутени (2022 йил июнь ойидаги 6 - сони)
3. <https://mf.uz/> - Молия вазирлигининг расмий веб-сайти
4. Qodirjon o'g'li, N. B., Rustamovich, Q. A., & Axmadxonovich, N. F. (2023). FLEKSOGRFIK BOSMA USULINING RIVOJLANISH TARIXI. Научный Фокус, 1(1), 292-297.

5. Toxirjonovich, M. M., & Axmadxonovich, N. F. (2023). JIHOZLARGA TEXNIK XIZMAT KO 'RSATISH VA TA'MIRLASH JARAYONINI TAKOMILLASHTIRISH USULLARINI TAQQOSLASH. Научный Фокус, 1(2), 978-984.
6. Shermuhammad o'g'li, M. A., Rahmatullayevich, X. B., & Axmadxonovich, N. F. (2023). TEXNOLOGIK JIHOZLARNING TEXNIK HOLATINI BOSHQARISH ALGORITMLARI VA SXEMALARI. Научный Фокус, 1(2), 1000-1006.
7. Qidirov, A., Nishonov, F., Saloxiddinov, N., Yoqubjonov, F. V., Rashidxo'jayev, M. M., & Tursunboyeva, M. (2023). DETALLARNING ISHQALANUVCHI YUZALARINI YEYILISHGA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI ISHLAB CHIQUISH: DETALLARNING ISHQALANUVCHI YUZALARINI YEYILISHGA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI ISHLAB CHIQUISH.
8. Abduraximovich, X. S., farhodxon Axmadxonovich, N., & Muhammadyunus o'g'li, N. R. (2023). GAZ BOSIMI OSTIDA ISHLOVCHI IDISH KONSTRUKSIYALARINI OPTIMALLASHTIRISH. SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 6(12), 16-24.
9. Qidirov, A., Nishonov, F., Saloxiddinov, N., Yoqubjonov, F. V., Rashidxo'jayev, M. M., & Tursunboyeva, M. (2023). DETALLARNING ISHQALANUVCHI YUZALARINI YEYILISHGA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI ISHLAB CHIQUISH: DETALLARNING ISHQALANUVCHI YUZALARINI YEYILISHGA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI ISHLAB CHIQUISH.
10. Abduraximovich, X. S., farhodxon Axmadxonovich, N., & Muhammadyunus o'g'li, N. R. (2023). GAZ BOSIMI OSTIDA ISHLOVCHI IDISH KONSTRUKSIYALARINI OPTIMALLASHTIRISH. SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 6(12), 16-24.
11. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., & Норбоева, Д. (2017). Грузоподъёмность пневматических шин./“Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ёшларнинг ўрни” шиори остидага “Фарғона водийси ёш олимлари” 1-худудий илмий анжумани материаллари тўплами.
12. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., Мирзаумидов, А., & Норбоева, Д. (2017). Влияние вертикальной нагрузки на удельное давление пневматического шины./“Замонавий ишлаб чиқариш шароитида техника ва технологияларни такомиллаштириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш” анжуман маъруза материаллари тўплами. 24-25 май.
13. Nishonov, F. A., & Khasanov, M. M. (2023). STUDY OF CHAIN DRIVES OF PEANUT HARVESTING MACHINE. SO 'NGI ILMIY TADQIQOTLAR NAZARIYASI, 6(12), 372-379.
14. Nishanov, F. N., & Abdullajonov, B. R. Surgical tactics for duodenal bleeding of ulcerative genesis. Bulletin of the National Medical and Surgical Center named after NI Pirogov-2015.-No3, 86-90.
15. Рустамов, Р., Халимов, Ш., Отаханов, Б. С., Нишонов, Ф., & Хожиев, Б. (2020). Ерёнғоқ хосилини йиғиштириш машинасини такомиллаштириш—Илмий ишлар тўплами|| Халқаро илмий ва илмий-техник анжумани.

16. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., & Норбоева, Д. (2017). Етакловчи ғилдирак шинасининг тупроқ билан тўкнашувини шина ички босими ва тортиш кучига боғлиқликда аниқлаш. ФарПИ, Илмий-техника журнали, 4.
17. Нишонов, Ф. А. (2023). ДЕТАЛЛАРНИ КОМПОЗИЦИОН МАТЕРИАЛЛАР БИЛАН ТАЪМИРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ. Scientific Impulse, 2(16), 787-799.
18. OSHIRISH, D. I. Y. Y. S. (2023). DETALLARNING ISHQALANUVCHI YUZALARINI YEYILISHGA CHIDAMLILIGINI OSHIRISH TEXNOLOGIYASI ISHLAB CHIQISH A Qidirov, F Nishonov, N Saloxiddinov, FV Yoqubjonov...-“Qurilish va ta'lim” ilmiy jurnali.
19. Rustamovich, Q. A., & Ahmadxonovich, N. F. (2023). ICHKI BO 'SHLIG 'IGA PASSIV PICOQLAR O 'RNATILGAN FREZALI BARABANI HARAKAT TEZLIK ISH KO 'RSATKICHLARINI O 'RGANISH. Scientific Impulse, 2(16), 221-229.
20. Normatjonovich, A. A., & Ahmadxonovich, N. F. (2023). SLIDING BEARING WITH IMPROVED QUALITY AND METROLOGICAL REQUIREMENTS. Scientific Impulse, 2(16), 283-292.
21. Нишонов, Ф. А. (2023). «NON-PNEUMATIC TIRES» ШИНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ. Scientific Impulse, 2(16), 293-302.
22. Nishonov, F. A., & Saloxiddinov, N. (2023). MASHINA DETALLARINING YEYILISHINI PAYVANDLASH VA MUSTANKAMLASH TEXNOLOGIYALARI. Scientific Impulse, 1(10), 1782-1788.
23. Khalimov, S., Nishonov, F., Begmatov, D., Mohammad, F. W., & Ziyamukhamedova, U. (2023). Study of the physico-chemical characteristics of reinforced composite polymer materials. In E3S Web of Conferences (Vol. 401, p. 05039). EDP Sciences.
24. Nishonov, F. A., Saloxiddinov, N., Qidirov, A., & Tursunboyeva, M. (2023). DETAL YUZALARIGA BARDOSHLI QOPLAMALARNI YOTQIZISH TEXNOLOGIK JARAYONI. PEDAGOG, 6(6), 394-399.
25. Нишонов, Ф. А., Кидиров, А. Р., Салохиддинов, Н. С., & Хожиев, Б. Р. (2022). ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ СБОРА УРОЖАЯ АРАХИСА. Вестник Науки и Творчества, (1 (73)), 22-27.
26. Нишонов, Ф. А., & Рустамович, Қ. А. (2022). Тишли ғилдиракларнинг ейилишига мойнинг таъсирини ўрганиш ва таҳлили. ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 113-117.
27. Мансуров, М. Т., Абдулхаев, Х. Ғ., Нишонов, Ф. А., & Хожиев, Б. Р. (2021). ЕРЁНҒОҚ ЙИҒИШТИРИШ МАШИНАСИННИНГ КОНСТРУКЦИЯСИ. МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 4, 39.
28. Рустамович, Қ. А., Мелибаев, М., & Нишонов, Ф. А. (2022). МАШИНАЛАРНИ ЭКСПЛУАТАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ. ТА'ЛИМ ВА RIVOJLANISH TANLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(6), 145-153.
29. Мансуров, М. Т., Хожиев, Б. Р., Нишонов, Ф. А., & Кидиров, А. Р. (2022). МАШИНА ДЛЯ УБОРКИ АРАХИСА. Вестник Науки и Творчества, (3 (75)), 11-14.

30. Мансуров, М. Т., Отаханов, Б. С., Хожиев, Б. Р., & Нишанов, Ф. А. (2021). Адаптивная конструкция очесывателя арахисоуборочного комбайна. МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, 3, 62.
31. Мансуров, М. Т., Отаханов, Б. С., Хожиев, Б. Р., & Нишонов, Ф. А. (2021). Адаптивная конструкция стриппера для уборки арахиса. Международный журнал инновационных анализов и новых технологий, 1(4), 140-146.
32. Mansurov, M. T., Otahanov, B. S., Hojiyev, B. R., & Nishonov, F. A. (2021). Adaptive Peanut Harvester Stripper Design. International Journal of Innovative Analyses and Emerging Technology, 1(4), 140-146.
33. Нишонов, Ф. А. (2022). Кидиров Атхамжон Рустамович, Салохиддинов Нурмухаммад Сатимбоевич, & Хожиев Бахромхон Рахматуллаевич (2022). ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ СБОРА УРОЖАЯ АРАХИСА. Вестник Науки и Творчества, (1 (73)), 22-27.
34. Рустамов, Р. М., Отаханов, Б. С., Хожиев, Б. Р., & Нишанов, Ф. А. (2021). Усовершенствованная технология уборки арахиса. МЕХАНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ, (3), 57-62.
35. Mansurov, M. T., Nishonov, F. A., & Hojiev, B. R. (2021). Substantiate the Parameters of the Plug in the " Push-Pull" System. Design Engineering, 11085-11094.
36. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., & Норбоева, Д. (2017). Плавность хода трактора. Наманган муҳандислик технология институти. НМТИ. Наманган.
37. Rustamov, R., Xalimov, S., Otahanov, B. S., Nishonov, F., & Hojiev, B. (2020). International scientific and scientific-technical conference" Collection of scientific works" on improving the machine for harvesting walnuts.
38. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., Расулов, Р. Х., & Норбаева, Д. В. (2019). Напряженно-деформированное состояние шины и загруженность ее элементов. In Автомобили, транспортные системы и процессы: настоящее, прошлое, будущее (pp. 120-124).
39. Melibaev, M., Negmatullaev, S. E., Farkhodkhon, N., & Behzod, A. (2022, May). TECHNOLOGY OF REPAIR OF PARTS OF AGRICULTURAL MACHINES, EQUIPMENT WITH COMPOSITE MATERIALS. In Conference Zone (pp. 204-209).
40. Хожиев, Б. Р., Нишонов, Ф. А., & Қидиров, А. Р. (2018). Углеродли легирланган пўлатлар қуйиш технологияси. Научное знание современности, (4), 101-102.
41. Мелибаев, М., Нишонов, Ф. А., & Содиков, М. А. У. (2021). Показатели надежности пропашных тракторных шин. Universum: технические науки, (2-1 (83)), 91-94.
42. Мелибаев, М., Нишонов, Ф. А., & Кидиров, А. Р. (2017). Грузоподъёмность пневматических шин. Научное знание современности, (4), 219-223.

43. Мелибаев, М., Нишонов, Ф., Махмудов, А., & Йигиталиев, Ж. А. (2021). Площадь контакта шины с почвой негоризонтальной опорной поверхностью. Экономика и социум, (5-2 (84)), 100-104.
44. Мелибаев, М., Кидиров, А. Р., Нишонов, Ф. А., & Хожиев, Б. Р. (2018). Определение глубины колеи и деформации шины в зависимости от сцепной нагрузки, внутреннего давления и размеров шин ведущего колеса. Научное знание современности, (5), 61-66.
45. Мелибаев, М., & Нишонов, Ф. А. (2017). Определение площади контакта шины с почвой в зависимости от сцепной нагрузки и размера шин и внутреннего давления. Научное знание современности, (3), 227-234.
46. Нишонов, Ф. А., Мелибоев, М. Х., & Кидиров, А. Р. (2017). Требования к эксплуатационным качествам шин. Science Time, (1 (37)), 287-291.
47. Нишонов, Ф. А., Мелибоев, М. Х., & Кидиров, А. Р. (2017). Тягово-сцепные показатели машинно-тракторных агрегатов. Science Time, (1 (37)), 292-296.
48. Нишонов, Ф. А., Мелибоев, М., Кидиров, А. Р., & Акбаров, А. Н. (2018). Буксование ведущих колес пропашных трехколесных тракторов. Научное знание современности, (4), 98-100.
49. Мансуров, М. Т. (2022). Хожиев Бахромхон Рахматуллаевич, Нишонов Фарходхон Ахматханович, & Кидиров Адхам Рустамович (2022). МАШИНА ДЛЯ УБОРКИ АРАХИСА. Вестник Науки и Творчества, (3 (75)), 11-14.
50. Shermuhammad o'g'li, M. A., Rahmatullayevich, X. B., & Axmadxonovich, N. F. (2023). TEXNOLOGIK JIHOZLARNING TEXNIK HOLATINI BOSHQARISH ALGORITMLARI VA SXEMALARI. Научный Фокус, 1(2), 1000-1006.